

## ШАҲАРЛАШУВ МАДАНИЯТИ ВА УНИНГ МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА ТАЪСИРИ

**Нодиржон Низомжонович ХОЛМИРЗАЕВ**

Фалсафа фанлари (PhD) бўйича фалсафа доктори

Тошкент давлат техника университети Қўқон филиали

Қўқон, Ўзбекистон

[nodirjon86.86@mail.ru](mailto:nodirjon86.86@mail.ru)

### Аннотация

Мақолада мамлакатимизда юз бераётган урбанизация жараёнлари оқибатида юзага келаётган турли муаммолар, хусусан, индивидуаллашув, мослашувчанлик, оммавий маданият, руҳий зўриқишлар, асабийлик уларнинг миллий қадриятларга таъсири, шунингдек шафқатсиз ишбилармонлик муҳити ва жамият ривожини масалалари ҳақида фикр юртилади.

**Таянч сўзлар:** индивидуаллашув, мослашувчанлик, оммавий маданият, руҳий зўриқишлар, асабийлик, миллий қадриятлар, жамият ривожини.

## КУЛЬТУРА УРБАНИЗАЦИИ И ЕЕ ВЛИЯНИЕ НА НАЦИОНАЛЬНЫЕ ЦЕННОСТИ

**Нодиржон Низомжонович ХОЛМИРЗАЕВ**

Доктор философии (PhD) по философским наукам

Кокандский филиал Ташкентского

государственного технического университета

Коканд, Узбекистан

[nodirjon86.86@mail.ru](mailto:nodirjon86.86@mail.ru)

### Аннотация

В статье рассматриваются различные проблемы, возникающие в результате процессов урбанизации, происходящих в нашей стране, в частности, индивидуализация, гибкость, массовая культура, психическое напряжение, нервозность, их влияние на национальные ценности, а также brutальная деловая среда и проблемы социального развития.

**Ключевые слова:** индивидуализация, адаптивность, массовая культура, психическое напряжение, нервозность, национальные ценности, общественное развитие.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар фуқароларимиз ҳаётини яхшилаш, уларга муносиб турмуш тарзини яратишга қаратилган. Бу жараёнлар фуқароларимизнинг кўплаб ютуқларга эришишига хизмат қилаётгани қувонарлидир. Тан олиш керак, бугунги кунда ёшларимиз турли соҳаларда кўплаб муваффақиятларни қўлга киритмоқда. Буларнинг барчаси Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсатнинг натижалари ҳисобланади. Бугунги кунда замонавий шаҳарларнинг

бунёд этилиши аҳолимиз онги, дунёқарашининг ўсишига ҳизмат қилибгина қолмай, миллатимизга хос кадриятларнинг аста-секинлик билан унутилиб боришига ҳам сабаб бўлмоқда.

Ҳозирги вақтда шаҳар аҳолиси, хусусан ёшлар ҳаётининг энг зарур муаммоларидан бири шахснинг мустақиллиги ва унинг ўзига ҳослигини жамият зўравонлигидан, ташқи маданиятдан ҳимоя қилишдан иборат. Таъкидлаш жоизки, бу бизнинг қисматимизга тушиб қолган табиат ва жамият муаммолари билан кураш шаклларининг бир кўринишидир.

XXI аср давлат, дин, ахлоқ ва иқтисодий ҳаёт соҳасида тарихан мустақкамлаб қўйилган барча боғичлардан озод бўлишни талаб этмоқда. Айрим олимлар инсон табиатининг тўсиқсиз ривожланишига имкон беришни ҳамма одамлар учун тенг ва моҳиятан яхши деб тан олмоқдалар. Инсоннинг ихтисослашуви, унинг ўзига ҳослигини эътироф этиш зарурлигини уқдирмоқдалар. Аммо тан олиш жоизки, шахснинг ўзиги ҳослиги тан олинган ўша Европанинг машҳур шаҳарларидаги бугунги ҳолат қандай? Уларда аҳоли тарихан шаклланган ва барча эътироф этиб амал қилиб келаётган анъаналарга содиқлик қай аҳволда? Буларнинг барчаси ўша йирик шаҳаларда маънавий таназзулни келтириб чиқармадими? Бу каби саволларга кўпчилик жавоб қидираётгани йўқ. Энг ёмони, бу каби маданиятсизлик “оммавий маданият” кўринишида бизнинг юртимизга ҳам кириб келмоқда. Бу эса ота-боболаримиздан ўтиб келаётган кадриятларимизга ва муқаддас динимиз ақидаларига зид эканлиги билан кишини хавотирга солади. Эндиликда қаерда биз аниқ замонавий ҳаёт натижаларининг ички мазмуни ҳақида гапираётган бўлсак, билингки, шу ерда маданият танасига, унинг руҳига ёки бошқача айтганда инсонлар тарбиясига дарз кетган. Зеро “боланинг актив фаолиятини тўғри ташкил этиб, йўлга солиб турса, ундаги шаклланаётган мавжуд сифатлар, фаолиятнинг ҳар хил турларида намоён бўлиб ўсаётганини ҳисобга олиб турса, тарбия муваффақиятли бўлади” [4;54-55]. Аксинча ҳолатда нафақат шаҳар аҳолиси, балки бошқа худудларда ҳам аҳолининг маънавий таназзулига йўл очилади.

Ҳозирги вақтда бизда катта шаҳарларга нисбатан қандай саволлар мавжуд. Аммо фикримизча берилаётган барча саволларга жавоблар бир хил жавоб бўлиши керак. Ҳаётнинг индивидуал ва усти-индивидуал мазмуни – шахснинг мослашувчанлиги муаммоси. Чиндан ҳам ҳозирги вақтда инсонларда жамоавийликдан кўра индивидуаллик юқори ўринга кўтарилди.

Одамлар ҳозирги вақтда жараёнларга тез мослашадиган бўлиб кетди, уларда яшаб қолишга иложи бўлса, яхши яшашга бўлган интилиш миллатга ва инсонларга хос бўлган фазилатлардан воз кечишга, муқаддас динимиз ақидаларини қасддан бажармасликка олиб келмоқда. Инсонлар эса ўз ҳатти-ҳаракатларини шаҳарларда умр кечиришнинг қийинлиги билан изохламоқдалар. Одамлар ўз ҳатти-ҳаракатларини асослаш асносида муқаддас динимиз буюрган кўплаб мажбуриятларини ҳам унутиб бормоқдалар. Ҳалол касб ва меҳнат қилиш, инсонларга кўмаклашиш, жамият муаммоларини ечишда иштирок этишга биринчи галдаги вазифа сифатида қарайдиган одамлар сони камайиб кетди. Унутмаслик зарурки, барча замонларда касб ва меҳнат фаолияти фақат ҳаётий зарурат ҳамда моддий фаровонлик манбаи бўлиб қолмай, кишиларда яхши хулқ ва ижобий сифатларнинг вужудга келишига ҳам сабаб бўлган. “Ислом шариати наздида “динимиз менга аҳли-аёлимнинг нафақасини вожиб қилган, ҳалол йўл билан, ҳалол луқма топиб, аҳли аёлимга тутай” деган ният билан далада ишлаётган деҳқон, дастгоҳ олдида турган ишчи, ўз касбидан қолмаётган хунарманд, ўз вазифасини адо этаётган идора ходими ёки зиёли ибодат қилаётган бўлади” [9;396]. Бундан англаш мумкинки, шариатимиз бизга юклаган қатор вазифалар ҳам хўжакўрсинга бажариб келинмоқда. Фикримизча, бу ғарбнинг шаҳарлаштириш маданияти ёки оммавий маданиятга эргаштириш йўлидаги инқироз томон олиб бораётган стратегик тактикасидир.

Катта шаҳарнинг ўзига хослигининг психологик асоси ташқи ва ички таассуротларнинг тез ва доимий ўзгариши натижасида юзага келадиган ҳаётда кучайган асабийликдир.

Шаҳар ҳаёти бир оз фарқ билан, одатий ва бир хил тарзда оқадиган ва бир хил қарама-қаршиликлар кўрсатадиган, барқарор таассуротлар тез ўзгарувчан, расмлар калейдоскопига қараганда камроқ онг сарфини, бир лаҳзалик таассурот ичидаги ўткир чегараларни, тўсатдан бирлашадиган ҳисларни талаб қилади. Катта шаҳар ўзининг кўча шовқини, шиддатли суръати ва иқтисодий, касбий ва ижтимоий ҳаётнинг ранг-баранглиги билан ана шундай психологик шароитларни яратади. Катта шаҳар ҳаёти билан кичик шаҳар ёки қишлоқ ҳаёти ўртасида мавжуд бўлган, руҳий ҳаётнинг секин, одатий ва ҳатто ритми билан ажралиб турадиган ўша чуқур контраст бизнинг хис-туйғуларимизга киради. Бу маънавий ҳаётимизнинг пойдевори ва катта шаҳар биздан фақат фарқлар асосида биладиган мавжудотлар сифатида талаб қиладиган онг миқдори, десак муболаға бўлмайди.

Бу кичик шаҳарларга нисбатан катта шаҳарларда руҳий ҳаётнинг интеллектуал табиати устунлигини тушунишга имкон беради. Бу ерда руҳнинг кўпроқ намоён бўлиши ва ҳиссиётга асосланган муносабатлар талаб этилади. Шунингдек онгга унчалик қулай бўлмаган маънавий соҳаларда илдиз отган ва, эҳтимол, ўзгармас одатлар мувозанатининг тинч муҳитида, яъни ақлнинг ўрни эса қалбимизнинг шаффоф, онгли, юқори соҳаларида ривожланади. Ақл бизнинг ички кучларимиз ичида энг мослашувчанидир. Ҳодисаларнинг ўзгариши ва қарама-қаршилигини тушуниш учун унга ғалаёнлар ва ички силкинишлар керак эмас.

Шундай қилиб, катта шаҳарнинг одатий аҳолиси минглаб ўзгаришларга эга – унинг мавжудлигига таҳдид соладиган ташқи муҳит оқимлари ва қарама-қаршиликларидан ўзини ўзи ҳимоя қилиш воситасини яратади. Шаҳар аҳолиси туйғу билан эмас, балки биринчи навбатда, ривожланган онг руҳ ҳаётида гегемонлик олиб келган ақл билан жараёнларга муносабат билдиради. Шу сабабли, ҳодисаларга муносабат инсон характерининг чуқурлигидан жуда узоқда бўлган энг кам сезгир руҳий органга тушади. Катта шаҳарнинг зўравонлигидан субъектив ҳаётни ҳимоя қилишнинг бир тури сифатида

эътироф этилган бу рационаллик алоҳида ҳодисаларга бўлинади ва улар ўз навбатида, баъзан яна бир-бирига боғланади.

Йирик шаҳарлар қадимдан молиявий марказлар бўлиб келган, чунки улардаги айирбошлашнинг хилма-хиллиги ва концентрацияси айирбошлаш воситасига шундай аҳамият берганки, қишлоқда айирбошлаш муносабатлари камлиги туфайли бунга эришиб бўлмайди.

Табиийки, инсон умр кечирмоғи ва ривож топмоғи учун авваламбор, моддий эҳтиёжларни қондирувчи неъматларга эга бўлиши, уларни етиштириши лозим бўлган. Шу маънода бир нафас ўз эҳтиёжларини қондириш, моддий неъматларни яратишдан толмаган, бу жараён чексиз-чегарасиз давом этган. Шундай бўлса-да, Гегель ёзганидек, “эҳтиёжларни қондиришга мутлақ эришиб бўлмайди, ҳолбуки, улар тинимсиз ва тўхтовсиз равишда янгиланиб туради: озиқ-овқат, тўйиниш, туш кўриш каби эҳтиёжларни қондиришнинг чеки йўқ, эртага яна бошдан очлик ва чарчоқ пайдо бўлаверади” [3;122]. Демак, меҳнат шундай жараёнки, инсон онгли фаолияти билан табиат предметларига мақсадга мувофиқ таъсир кўрсатади, уларни ҳаётий ва ижтимоий эҳтиёжлар, эстетик дид талабларига мувофиқ қайта ишлайди. Демак пул иқтисоди, эҳтиёжлар ва рационалликнинг устунлиги бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Уларнинг барчаси одамларга ва нарсаларга нисбатан ўзига хос ишбилармонлик муносабати билан ажралиб туради, бунда расмий адолат кўпинча шафқатсизларча бирлаштирилиши мумкин.

Барча руҳий муносабатларда одамлар ўзларининг индивидуаллигига асосланади, рационал муносабатларда эса одамларга рақамлар, элементлар сифатида қаралади. Худди шу тарзда, катта шаҳар аҳолиси ўзининг етказиб берувчиларини хизматкорлари ҳамда кўпинча, ўз жамиятининг одамлари деб ҳисоблайди. Кичкина доиралардаги инсоний муносабатларнинг табиати мутлақо тескари. Уларда инсонийлик биринчи ўринда туради. Бу ерда шахсларнинг мажбурий билимлари муқаррар равишда муносабатларни ҳис-

туйғуларга сингдиради. Бундай жараёнлар миллий қадриятлар асосига қурилади.

Иқтисодий ҳаёт психологияси соҳасида товар ишлаб чиқарилиши муҳим аҳамиятга эга. Ишлаб чиқарувчи ва харидор бир-бирини билиб буюртма қилиши зарур. Аксинча, ҳозирги замоннинг катта шахри деярли фақат бозор учун ишлаб чиқаради, яъни бутунлай номаълум харидорлар учун. Бу эса айрим ишлаб чиқарувчиларнинг халқимизга хос бўлган миллий қадриятларни унутишига, динимиз белгилаб берган ақидалардан чекинишига сабаб бўлмоқда.

Натижада, томонларнинг манфаатлари шафқатсизларча ишбилармонликка айланади ва уларнинг оқилона иқтисодий эгоизмини шахсий муносабатлар ҳаракати билан юмшатиб бўлмайди. Бундай жараёнлар инсонларда ўзаро ишончсизлик муҳитини юзага келтирмоқда. Бир-бирини алдаш одатий тусга кирмоқда. Бу жараёнлар шаҳарлар ривожини ва унинг кейинги тараққиётига хизмат қилмайди.

Шуниси аниқки, катта шаҳарлардаги турмуш тарзи бу икки омил ишбилармонликда ишонч ва ишончсизлик ўртасидаги ўзаро таъсирни тарбиялаган тупроқ эди. Катта шаҳарда ҳукм сураётган шароитлар ҳаётимизнинг бу хусусиятига сабаб ва натижа бўлиб хизмат қилди.

Катта шаҳар аҳолисининг шароитлари ва ҳаёти одатда жуда хилма-хил ва мураккаб бўлиб, энг муҳими, бундай турли хил манфаатларга эга бўлган одамларнинг тўпланиши туфайли уларнинг ҳаёти ва фаолияти деярли бир хиллаша бошлади. Бу юқорида кўрсатилган ишонч ва ишончсизлик мисолида яққол кўринади.

Шаҳар аҳолиси ҳаётининг муҳим омиллардан яна бири бу меҳнат маданиятининг мавжуд бўлишидир. Зеро усиз жамиятда ривожланиш сезиларли равишда секинлашади. Фаолиятнинг муайян тури билан шуғулланадиган шахснинг меҳнат маданияти нафақат унинг билим даражаси, тажрибаси, шу билан бирга, инсоний фазилатларида ҳам кўзга ташланиб туради. Бошқача айтганда, меҳнат маданияти нафақат иқтисодий

ишбилармонлик, балки, умуман инсон маънавий баркамоллигининг пойдевори ҳамдир. Мана шу маънавий ва моддий маданият шахснинг тадбиркорлик фаолиятида ўзига хос ифодаланади.

Бозор иқтисодиёти қонунларига мувофиқ меҳнаткаш инсон, қайси соҳа мутахассиси бўлишдан қатъи назар, даставвал, тадбиркор-ишбилармонлик қобилиятига эга бўлиши мақсадга мувофиқдир. Чунки, “айни бозор муносабатлари одамларни янгиликка интиладиган, илм-фан ва техниканинг сўнгги ютуқларини дадил ва тез жорий этадиган, касб маҳоратини муносиб кадрлайдиган қилади” [6;30].

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, катта шаҳар ҳаёти, унинг мураккаблиги ва кенглиги нафақат унинг пул ҳамда интеллектуал хусусияти билан, балки ҳаётнинг ички мазмунини ёрқин ва уни йўқ қилишга ҳисса қўшиши мумкин бўлган аниқлик, ҳисоб-китоб тизимлари ва халқимизнинг бой маънавий мероси, миллий кадриятларининг амал қилиши билан ҳам боғлиқдир.

### **ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Мирзиёев Ш.М. Жисмоний ва маънавий баркамол ёшлар –бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир. //Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Ж. 1. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 592 б.
2. Абдуллаев Т.У. Турмуш соҳасида миллий ва умуминсоний кадриятларнинг диалектикаси: фалс..ф.д-ри дисс. – Тошкент: ТошДУ, 1992. – 316 б.
3. Гегель. Эстетика. Санъат ва бадиий ижод фалсафаси. – Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2012. – 122 б.
4. Зуфарова М. Педагогик психология. – Тошкент: Фан ва технология, 2008. – 155 б.
5. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 б.

6. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. –Тошкент: Ўзбекистон, 1994. – 394 б
7. Назаров Қ. Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Тошкент: Гафур Гулом, 2010. – 270 б.
8. Фалсафа қомусий луғат. – Тошкент: Шарқ, 2004. – 416 б.
9. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Ижтимоий одоблар. – Тошкент: HILOL-NASHR, 2016. – 456 б.
10. <https://kun.uz/news/2020/01/28/asablar-zoriqishi-sindromidan-qanday-qutulish-mumkin-mutaxassis-maslahati>
11. <https://namangantoday.uz/asabiylik-khastaliklar-ildizi>